

Ishonch

2019 йил 13 июль • шанба • № 85 (4214)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини катъий ошириб бориш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилсин.

2. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи – ойига 223 000 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 436 150 сўм;

болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа – ойига 436 150 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 267 650 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилансинки, 2019 йил 1 августдан бошлаб:

I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизга оширилади;

II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар – пенсионерларнинг пенсияларига устура миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизга оширилади;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фоизлар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

4. 2019 йилнинг 1 августидан I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болалиқдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдоридан кўшимча тўлов жорий қилинсин.

5. Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда бюджет муассасалари ва ташкилотларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларининг мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан

ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқиلىшини таъминласин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5723-сон Фармонида мувофиқ 2019 йилнинг 1 сентябидан энг кам иш ҳақи миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, базавий ҳисоблаш миқдори ва пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори киритилганлиги таъминлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5723-сон Фармони 1-бандида: иккинчи хатбошидаги «577 170» рақами «634 880» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «202 730» рақами «223 000» рақами билан алмаштирилсин; тўртинчи хатбошидаги «202 730» рақами «223 000» рақами билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5553-сон Фармони унинг 4 ва 8-бандлари истисно қилинган ҳолда 2019 йилнинг 1 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ВА ДАРОМАД ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июль кўни Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводини ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Қишлоқ хўжалигида техника паркни мустаҳкамлаб туриб сифат ва самардорликка эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда йиллар мобайнида турли қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва чуқур маҳаллийлаштиришга етарли эътибор берилмагани оқибатида техника паркнинг йиллик янгиланиш даражаси 2-3 фоиздан ошмас эди.

Маълумки, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи (собиқ Тошкент трактор заводи) ҳам кучли иқтисодий рақобатга, замонавий бозор талабларига дош беролмай қолганди. Оқибатда бир пайтлар гуркираб ишлаган корхонанинг бино ва линиялари қаровсизликдан тўкилиб бораётганди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2016-2017 йилларда корхонада рақобатбардошликни таъминлаш, тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналари тайёрлашни янги сифат даражасига кўтариш мақсадида ишлаб чиқариш линияларини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Унинг биринчи босқичида қора ва рангли металлари пайвандлаш, қайта ишлаш, штамплаш, трактор кабиналари ясаш ва бошқа турдаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш, бўяш линиялари ишга туширилди.

Жаҳондаги илғор тажрибани ўрганиш ва кучли рақобатга чидамли замонавий техника воситалари ишлаб чиқариш учун АҚШ, Жанубий Корея ва Беларусь Республикасининг қишлоқ хўжалиги машинасозлигига ихтисослашган етакчи компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш учун соҳадagi ислохотларга янги суръат бағишлаш, тармоқда рентабелликни ошириш талаб этилади. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг ушбу ташриф заводага катта ўзгаришлар олиб келади. Корхона негизда янги заводлар ишга туширилиб, том маъ-

даги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

«Uz Claas Agro» қўшма корхонасида 4 та ишлаб чиқариш қуввати мавжуд бўлиб, улар Германиянинг «Claas Central Asia Investment» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Dominator 130» комбайни, «Agion 630» ҳайдов трактори ва тиркамалар шундай русумдаги техника воситаларига қараганда унмдорлиги билан ажралиб туради. Барча турдаги техника воситалари зарур сертификатларга эга, халқаро стандартларга мос.

Президентимизга қўшма корхона томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, маҳсулот турлари ва корхонани ривожлантириш истиқболлари ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари локализация даражасини ошириш, янги қисмлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида аграр соҳа машинасозлигини ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказди.

Тармоқда бозор механизмлари жорий этилаётгани, галла ва пахтанинг харид нархи оширилгани, мева-сабзавотлар экспорти кенгайтигани натижасида деҳқон фермерларимизнинг даромадлари изчил ортиб бормоқда. Энди улар янги-янги техникалар олиб, иш самардорлиги ва маҳсулотлар сифатини оширишга ҳаракат қилмоқда.

2018 йилда фермерларга 11,5 минг дон техника етказиб берилган. Утган йили 10 миллион доллар, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 15 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги техникаси экспорт қилинган.

Лекин бу мавжуд салоҳият ва талабга нисбатан жуда кам. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида йилига 11 мингдан зиёд техникага, жумладан, 4 мингга трактор, 500 та комбайн ва 5 мингдан зиёд осма-тиркама техникага эҳтиёж мавжуд. Бундан ташқари, 2022 йилгача 263 минг гектар, 2025 йилгача яна 1 миллион гектардан зиёд ерлар қайта фойдаланишга киритилиши боис бу эҳтиёж янада ошади.

Ҳозирги кунда мавжуд техникаларнинг 46 фоизи кўп муддатдан буён фойдала-

нишда бўлиб, яроқсиз аҳволга келиб қолган. Фермерлардаги техниканинг 97 фоизи пахта ва галла учун мўлжалланган.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш маҳсулот ва хизматлар турларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йил 1 октябрдан бошлаб иқтисодиётнинг барча жабҳалари қатори ушбу соҳада ҳам солиқ имтиёзлари бекор қилинаётгани тармоқ корхоналаридан янада фавоқул талоб қилишни қайд этилди. Аввало бозорбоқ техникалар ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш корхоналар олдидаги энг муҳим вазифалар бўлиши кераклиги таъкидланди.

Кабина, бошқарув тизими, филдирак, тезлик узатгич, осма тизимлар каби асосий қисмлар локализация даражасини 32 фоиздан 56 фоизга етказиб, таннархни 30 фоизгача арзонлаштириш, шунингдек, маҳаллий корхоналар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш орқали йиллик импортни 20 миллион долларга қисқартириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.


Фермерларни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашнинг барқарор молиявий механизмларини яратиш, техникаларга сервис ва таъмирлаш хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар етказиб беришни яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Қишлоқ хўжалиги техникасини сертификатлаш тизимини такомиллаштириш, тайёр маҳсулотлар билан бирга хизматлар экспортини ҳам кенгайтириш вазифаси қўйилди. Замонавий техникалар ишлаб чиқарувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бизга рақобатбардош техника керак, қўшимча қиймат зарур. Тизим корхоналарида минглаб одамлар ишлаши лозим. Бугун белгиланган мақсадларни ким амалга оширади? Мутахассис. Нима амалга оширади? Ақл, билим, меҳнат, деди Президентимиз.

Йиғилишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш режалари юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА МҲБИРИ



Самарқанд вилояти

Бунёдкорлик оғушидаги ҳудуд

Ургутнинг залворли тоғлари, тарихи, асрларни ортда қолдирган азим чинорлари ҳақида билмаган киши кам бўлса керак. Бу заминнинг зуваласи ишбилармонлик билан пиштилган одамлари ҳақида ҳам.

Анча йил бурун Ургутнинг энг чекка қишлоғида яшовчи бир киши билан суҳбатлашиб қолгандик.

– Хитойга боришни мўлжаллаб турибман, – деганди у суҳбат асосида. – Калиш ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпман. Технологиясини ўрганиб келмоқчиман.

Жўнгина айтилган ушбу ғоя ортида қанча истаклар борлигини ҳис қилмаган эканмиз ўшанда. Бугун ана шундай интилишлар рўйибди Ургутда кўрмоқдамиз. Бу ерда тадбиркорлар томонидан беш мингга яқин корхона ишга туширилгани ҳам фикримизга исботдир.



КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ҲАҚИ:




Шунча ишлар қилинган экан-а?



Профессор Мухтор Эшбоев: НОБЕЛЬ СОВРИНДОРИ БЎЛГАН ОЛИМГА ЭЪТИРОЗИМ БОР.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 12 июль



Исроил ХАСАНОВ ошани-ортта

«Аниқ мақсадим ва йўлим бор!»

Танлов

– Фаргона шаҳридаги автобилларга техник хизмат кўрсатиш МЧЖда 5 йилдан буён фаолият юритиб келаяпман, – дейди 24 ёшли Азизбек Азимов. – Коллежда бошқа йўналишда тахсил олганимга қарамасдан, автобилларга бўлган қизиқишим мени шу соҳага олиб кирди. Нолимайман, касбимнинг орқасидан оиламга ёрдамим тегаяпти. Ҳаётимда аниқ мақсад ва ўз йўлим бор. Устозлар топдим, уларнинг йўл-йўриқларига амал қилиб кам бўламан. Ушбу танлов баҳоронасида маҳоратим янада ошди, дўстлар орттирдим.

Ниҳоят, натижалар эълон қилинди. Барча шартларда ўзининг чаққонлиги билан кузатувчилар эътиборига тушган иқтидорли уста чилангар Тошкент шаҳри вакили – Иброҳимжон Усмонов биринчи, Тошкент вилояти вакили Зухридин Очилов иккинчи ва фарғоналик Азизбек Азимов учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиблар ва барча иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зебо НАМАЗОВА,
«ISHONCH»



Исроил ХАСАНОВ ошани-ортта

Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси бир қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларнинг касбий маҳоратини оширишга кенг имконият яратиш, истеъдод эгаларига йўл очиш ва рағбатлантириш мақсадида «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» танловини ўтказиб келмоқда. Кунги кеча танловнинг «Автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш чилангари» номинацияси йўналишида республика босқичи ғолиблари аниқланди.

Унда Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 7 нафар иштирокчи амалий ва назарий топшириқлар бўйича беллашдилар. Дастлаб чилангар уста йигитларнинг назарий билимлари синовдан ўтказилиб, ёзма топшириқлар бажарилди. Амалий шартда эса энгил автомобилнинг олд филди-раклари тормоз тизимини қисмларга ажратиш ва қайтадан йиғиш малакаси намойиш этилди. Кузатувчилар, ҳакамлар ва иштирокчилар учун ҳам ушбу шарт ниҳоятда қизиқарли кечди. Эътиборли жиҳати, барча уста чилангарлар сифатли ва тезкор натижа кўрсатишга ҳаракат қилишди.

Тошкент вилояти

Куч-ғайрат бахш этди

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидagi ташкилотчи ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.




– Бугунги тадбирда иш берувчи билан ҳамкорликда фаолият юритяпмиз, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб ташкил этиш юзасидан амалга оширган ишларимизнинг маҳсулини кўряпмиз, – дейди Тошкент тумани қурилиш ва сервис коллежи бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Наримон Эдемов. – Ташкилотимизда 82 нафар ходим ишлайди. Уларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш бизнинг бош мақсадимиздир. «Энг намунали бошланғич ташкилот» номига лойиқ топилганимиз келгусидаги ишларимизни бундан-да юқори даражага кўтаришимизга замин яратди. Меҳнати эътироф этилган инсон янги куч-ғайрат билан фаолият юритиши табиий ҳол.

Таъкидлаш жоизки, энг намунали бошланғич ташкилотни аниқлаш ҳамда уларни тақдирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар касба уюшмалари ҳаракатини ташкилий жиҳатдан мустақамлаш, шунингдек, меҳнаткашлар ўртасида касба уюшмалари мавқеини ошириш, жамоанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бошланғич ташкилотларнинг фаол иштирокини таъминлаш, фаолларда ижодкорлик қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Танлов якунларига кўра, 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган аъзолари сони 100 нафаргача ва 100 нафардан зиёд бўлган бошланғич ташкилотларнинг 34 нафар раисларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига Бухадичахон Жўраевдан ноҳақ ишдан бўшатирилганлиги юзасидан мурожаат келиб тушди.

Ўрганиш жараёнида Фарғона тумани ҳокимининг 2018 йил 9 октябрда чиқарган қарори билан Фарғона туманининг 2-сонли ФХДБ бўлими ходими Б.Жўраева билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-банди 2-қисми та-

лабларига зид равишда бекор қилинганлиги аниқланди.

Ҳолбуки, Меҳнат кодексига ходимнинг малакаси етарли бўлмагани ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишга нолойиқ бўлиб қолиши бўйича иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишида давлат муассасаларида меҳнат қилувчи ходимларни аттестациядан ўтказиш тартиби тармоқ идора органлари қабул қилган меъёрий ҳуқуқий ҳуж-

жатларга биноан белгиланиши ҳамда меҳнат шартномаси фақат ходим саломатлиги барқарорлиги доимий ёмонлашгани, натижада соғлиғи ҳолатига кўра ушбу вазифани бажариш тиббий кўрсаткичларга кўра амалга оширилиши кўзда тутилган. Бироқ фуқаро Б.Жўраева билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинишида юқоридаги ҳолатларнинг мавжудлиги бирон-бир ҳужжат билан асосланганлиги аниқланмади.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 101-моддасига зид равишда Фарғона туман ҳокимлиги меҳнат жамоасининг 2016 йил 25 январдаги умумий йиғилишида 2016 – 2018 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 3.3-бандида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда касба уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиш белгиланган бўлсада, бу қоидага риоя қилинмаган.

Навоий вилояти

Бугун фаолият юритаётган қайси соғломлаштириш гўшасига борманг, қалби беғубор болажонларнинг мириқиб дам олаётганига гувоҳ бўласиз.

Болажонларнинг иккинчи уйи

Навоий вилоятида жорий йилда 17 та оромгоҳда (12 та стационар ва 5 та кундузги) 14 минг 202 нафар

мавсумда кам таъминланган оилаларнинг 1000 га яқин фарзанди, «Меҳрибонлик» уйларида салкам 500 нафар тарбияланувчиси дам олдирилади.

Кармана туманидаги «Офтобжон», «Ишонч», Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Болажон», «Сармиш», «Қурайдёна», «Қизилкумцемент» АЖ тасарруфидagi «Шаббода» каби оромгоҳлардаги мавжуд шaroит нафақат болажонлар, балки ота-оналарнинг ҳам чексиз қувончига сабаб бўлмоқда.

– Биз учун болажонларнинг таътили мароқли ўтказиши ва мириқиб дам олиши ҳамма нарсадан устун, – дейди «Ишонч» оромгоҳи директори Анвар Мамедов. – Тарбиячи ва етакчиларни танлов асосида ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ва Навоий педагогика институти талабалари орасидан саралаб олганмиз. Дарвоқе, «Ишонч» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёш ижодкор ўқувчилар билан бирга, хулқи, одоб-ахлоқи юзасидан ички ишлар бўлимлари руйхатида турган болалар ҳам дам олдирилади. Бунинг учун алоҳида имкониятлар юзага келтирилган. Хулқи ёмон ўқувчилар оромгоҳдан фельд-атворини яхшилаб қайтаётган бўлса, ижодкор ўқувчилар бор билим ва маҳоратини янада мустақамламоқда.

Мусобақа ва танловлар, ижодий учрашувлар, китобхонлик ва касб-хунар ўрганиш, шахсий ҳаётга тўла-тўқис тайёрланиш борасида давра суҳбатлари нафақат болажонларни, ота-оналар ҳам хурсанд қилмоқда.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»



бола соғломлаштирилиши режалаштирилган. Уларга тажрибали ва юқори малакага эга 880 нафар ўқитувчи, 86 нафар тиббиёт ходими, 86 нафар спорт мураббийи, 46 нафар музика раҳбари, 72 нафар хутубхоначи, шунингдек, ички ишлар ходимлари, техник ходимлар жалб қилинган.

Қайд этиш лозимки, ҳар йили мавсум давомида кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилкумцемент» АЖ ҳамда бошқа корхоналарнинг имкониятларидан фойдаланилмоқда. Бу йилги

Ўз – ўтмоқда соз

Самарқанд вилояти

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ сўзда эмас, амалда бўлиши керак

Таҳлил қарашларга таҳрир киритмоқда

Давлатимизнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги кенг қамровли ислохотлари ижросида жамоат ташкилоти бўлиш касба уюшмаларининг ҳам муносиб ўлими бор. Айниқса, жойларда аҳоли дуч келаётган муаммоларни мутасаддиларга етказиш, улар ечими юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда фаоллик кўрсатилмоқда.

«Халқ сўзи» ва «Ishonch» газеталарида «Ижтимоий ҳимоя сўзда эмас, амалда бўлиши керак» сарлавҳаси остида берилган суҳбат соҳага алоқадор ҳар бир кишини мушоҳадага ундади. Матбуотда кўтарилган мавзунинг вилоят касба уюшмалари фаоллари билан муҳокама қилиш чоғида нималар назардан четда қолаётгани, фаолиятдаги бўлишни тўлдириш хусусида ҳам фикрлашиб олдик.

Тан олиш керак, меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари устуворлиги барча жабҳаларда ҳам тўлақонли таъминланаётган, деб бўлмайди. Хусусан, хусусий

сектор ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳали-ҳануз алоқаларда узилишлар бор. Айниқса, хориж билан ҳамкорликда ташкил этилган айрим корхоналарда ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда оқшарлар сезилмоқда. Уйлаймизки, касба уюшмалари фаолияти тўғрисидаги янги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги тушунмовчиликларга нуқта қўяди.

Рамазон АСҚАРОВ,
Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши матбуот хизмати раҳбари

Қашқадарь вилояти

Қарши шаҳрида касба уюшмаларининг бүгунги фаолияти, муаммолари ва келгусидаги вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда яқинда матбуотда эълон қилинган «Ижтимоий ҳимоя сўзда эмас, амалда бўлиши керак» сарлавҳали мақолада фаолиятнинг устувор йўналишлари ҳамда мавжуд камчиликлар батафсил таъкидланди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда касба уюшма фаолиятининг самарадорлиги ошмоқда. Масалан, жорий йилнинг олти ойида касба уюшмаси ташкилотларига 401 та мурожаат тушган бўлса, уларнинг 278 таси ижобий ҳал этилди.

Яна бир катта ва қамровли иш, бу – болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат тамғасининг олиб ташланганидир.

Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқлари Конституцияда ҳам, Меҳнат кодексига ҳам, «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ҳам белгилаб берилган. Касба уюшмалари ўз фаолиятида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, иш

берувчилардан мустақиллиги қонун билан белгилаб қўйилган.

Аммо қилинаётган ишлар етарлича тарғиб этилмапти, касба уюшмалари фаолларининг баъзи вақтларда маъсулиятсизлиги кўзга ташланмоқда.

Муҳокама қилинган мақолада фаолиятнинг маълум даври сарҳисоб қилиниб, эришилган ютуқлар билан мавжуд камчиликлар таҳлил этилган. Бу истиқболдаги фаолият учун ўзига хос туртки вазифасини ўтайди.

Тадбирда сўзга чиққан касба уюшма фаоллари долзарб масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдиришди, касба уюшмалари халқ ичига янада яқинроқ кириб бормоғи лозимлигини таъкидладилар.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида касба уюшма фаоллари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида мавзу юзасидан қизгин муҳокамалар бўлиб ўтди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Сирдарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида шу мавзуда бўлиб ўтган давра суҳбатида йил бошидан буён бажарилган ишлар атрофича таҳлил этилди. Эришилган натижалар билан биргаликда йўл қўйилган камчиликлар ҳам очик-ойдин айтиб ўтилди.

Эътироф этиш ўринлики, касба уюшмаси мамлакатимиздаги энг оммавий жамоатчилик ташкилоти ҳисобланади. Давлатимиз танлаган йўл, бошлаган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш учун касба уюшмалари ҳам ўз роли ва йўлини белгилаб олган. Тизим томонидан олиб борилаётган мулоқотлар, муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш жараёни шаффоф тутилиб, амалдаги ҳаракатлар халққа рўй-роҳат маълум қилинмоқда.

– Мақолада тизимда амалга оширилаётган ишларга халқаро ташкилотларнинг муносабати, ке-

рак бўлса, эътирофи, ҳамкорликда ишлар аниқ мисоллар билан очиб берилган, – деди бирлашма кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Айни пайтда у соҳа ходимларини янада унумлироқ, фаолроқ ишлашга, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини доимий таъминлашга даъват ҳамдир.

Касба уюшма фаоллари йил бошида тузилган режага янада эътиборли бўлиш, ўз-ўзига ҳисоб бериб келгуси фаолият ҳақида чуқурроқ мушоҳада қилиш тўғрисида келишиб олдилар.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»


Ходим ишга тикланди

Касба уюшмаси аралашгач...

Бирлашма кенгаши юқоридаги ҳолат бўйича Бухадичахон Жўраевани ишга тиклаш ҳамда унга мажбурий юрган проғул кунлари учун иш ҳақи ундириб беришни кўзда тутиб, Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суд мазкур даъво аризасини қаноатландирди ва Б.Жўраева ўз иш жойига тикланди.

Озодахон ҚОЗИХОНОВА,
Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири



Бунёдкорлик оғушидаги ҳудуд

ЭВРИЛИШЛАР ЗАМИНИ

«Ургут» эркин иқтисодий зона-сидамиз... Кўз ўнгимизда улкан бунёдкорлик, келажакка мустақкам пойдевор яратётган одамлар интилиши намён. Кимдир катта иштиёқ билан қурилишни якунлаётир, бошқаси умид билан ниҳол қадамда. Теварак-атрофда ҳаёт қайнайди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январда «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинганда, — дейди «Ургут» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонаси бош директори Жамшид Ҳайдаров. — Сўнгра Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳудуд чегаралари белгилаб берилди. Ургут туманида 390, «Мерганча» массивида 144, «Сариқтепа» массивида 246, Пастдарғом тумани «Дўстлик» массивида 66, Нуробод тумани «Сазаған» массивида 360 гектар ер ажратилди. Утган йили Самарқанд шаҳрининг «Ҳишрав-2» массивидаги 102 гектар бесамар майдон ҳам таркибга қўшилди. Бу ҳудудларда режали ишлар амалга оширилмоқда. Истиқболли ишлаб чиқариш мажмуалари барпо этилаётир.

рилик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 54 миллион АҚШ долларилек маҳсулотни хорижий давлатларга экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Тадбиркорларимиз истиқболли лойиҳалар устида тинимсиз иш олиб бормоқда, — дейди «Ургут» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонаси бош директори ўринбосари Абдуғаффор Мадаров. — Айни чоғда қиймати 3,6 миллион АҚШ долларилек 3 та лойиҳа республика Иқтисодиёт ва

Энг муҳими, у доим давлатимиз қўлаб турганини ҳис этди. Шу зайдда «MIRANKUL CONSTRUCTION MATERIALS LTD» МЧЖ шаклидаги корхонани оёққа турғазди.

Кабель йўлақлари, металл шпалерлар, вентиляция тизимлар, электр шитлар ва кесивуви стержинли конструкция тизимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хориж технологияси асосида ишлаб чиқариш бошланди. Маҳаллий аҳоли орасида 30 нафар кишининг

лот сифати учун ўзларини дахлдор сезади, — дейди корхона раҳбари Хуршид Лутфуллаев. — Ёш кадрларнинг изланишлари боис, янгиликларни тез илғаб амалиётга жорий этишга интиляпмиз.

Ўрни келганда ўз салоҳияти билан илдамлаётган яна бир корхона хусусида тўхталиб ўтилмасе бўлмас. Бу «Ideal Elektor Iyuku» корхонасидир. Соҳиб Аъзамов раҳбарлик қилаётган ушбу корхонада электр духовка, газ ва электр плиталари ишлаб чиқарилмоқда. 120 нафар киши меҳнат қиладиган жамоада йилига 60 минг дона машиш техника воситалари ишлаб чиқарилади. 4 миллион АҚШ долларилек маҳсулот хорижий ҳамкорларга етказиб берилади. Туркиянинг «Odiil» компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш модернизация қилиб келинмоқда.



саноат вазирлиги ҳузурдаги лойиҳа контрактларини экспертиза қилиш марказига юборилди.

ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИ ОШМОҚДА

Тадбиркор Нуриддин Ҳамроқуловга Нуробод тумани «Сазаған» массивидан ер қўрсатилганида ҳеч иккилиниб ўтирмади. Марказдан анча олис, лалмикор бу ҳудудда ҳам аҳоли яшайди. Уларнинг ҳам орзу-интилишлари бор. Қолаверса, инжиқлик тадбиркорга ҳос хислат эмас. Фаолиятни йўлга қўйгунча озмунча қийналмади. Елди, югурди.

малакасини ошириб, тажрибали ходимга айлантирди.

— Сифати юқори, харидорга манзур келадиган маҳсулот ҳам, харидорни ранжитадиган маҳсулот ҳам битта дастоҳдан чиқади, — дейди Нуриддин Ҳамроқулов. — Шу боис, ҳар бир ишловчига муносиб меҳнат шароити яратиб беришга интиляпмиз. Улар ташвишини, муаммоларини ўзимизникидан ҳал қилишга ҳаракат қиламиз.

Корхонада шу чоққача 29,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2,41 миллион АҚШ долларилек маҳсулот экспортга чиқарилди. Асосий харидор эса — Япония.

Ургут тумани «Мерганча» массивида жойлашган «URGAZ CARPET» гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ҳам ички ва ташқи бозорда ўз ўрнига эга корхоналардан бирига айланмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилган 35,6 миллиард сўмлик маҳсулотнинг 2,9 миллион АҚШ долларилек миқдорининг харидори хорижий давлатлар бўлди.

— 48 нафар ишчи-ҳодим маҳсу-

ИШЧИЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯДАТИ

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшмаси Ургут тумани кенгаши раҳбари Раббим Азизовдан ана шу хусусида ҳам билгила интилди.

— Ҳудудда кечаётган жараёнлар ичидамиз, — дейди у. — Тўғриси айтсак, янгитдан ташкил этилган корхоналар бошқаруви ўта ихчам. Уч-тўрт киши юзлаб одамларни иш билан таъминлаб, моддий фаровонлигини таъминлаб келаётир. Аммо ҳар бир ишловчининг қонун билан ҳимояланадиган меҳнат манфаатлари бор. Биз уларнинг ана шу ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаб беришимиз керак. Узини тиклаб олган корхоналар мутасаддилари ижтимоий шериклик йўналишидаги тақлифларимизни ҳеч иккиланмасдан қабул қилишаётир. Аммо ишчини эндигина изга солганларда иккилинишлар бор. Лекин ҳодим манфаати барибир устун бўлиши керак.

Хуллас, «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ҳудуди бугун улкан бунёдкорлик оғушида. Бу жараёнда тадбиркор-ушбилармонларнинг шижоати, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Нурилла ШАМСОВ,
«ISHONCH»

Мутахассис шарҳи

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бунинг учун барча қонуний асослар яратилган

2017 йил 12 сентябрдан кучга кирган янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

шаффоғлиги қонуннинг асосий принциплари сифатида 4-моддада белгилаб берилди.

Қонунга киритилган яна бир муҳим янгилик сифатида халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналарнинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Президентнинг Виртуал қабулхонаси томонидан мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар берилиши, давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш тартибларини (2-бобда аниқ белгилаб берилган) айтиш мумкин.

Қонуннинг аввалги таҳририда мурожаатлар бўйича иш юритиш (9-модда) тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши кўрсатилган бўлса, амалдаги янги таҳрирда давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса кейинги иш кунини рўйхатдан ўтказилиши кераклиги, мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмаслиги, давлат органларида, ташкилотларда мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш дафтари юритилиб, унда мурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, ижроси тўғрисидаги белги кўрсатилиши норма сифатида аниқ белгиланди.

Шу билан бирга, давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган мансабдор шахсига оммавий (сайер) қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмаслиги, фақатгина жисмоний

шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек, уни қўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилиши назарда тутилади.

Қонуннинг 26-моддасида мурожаат этувчини эшитиш ҳам назарда тутилган. Бу, ўз навбатида, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчига кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради. Бунда давлат органи мурожаат этувчини эшитишга экспертлар, мутахассислар ва мансабдор ташкилотларнинг вакиллари ҳам жалб этиши мумкин бўлади.

Яна бир муҳим янгилик шундаки, агар такрорий мурожаатларда янги вазлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаатнинг қайтарилиши мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар мурожаат этувчиларнинг қонуний талаблари ҳал этилишига, ҳуқуқ ва манфаатлари янада самарали ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Шерзод ЭШМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани суди судьяси



ВИРТУАЛ ДАМДА ЯНГИ САҲИФА

Ёхуд қандай қилиб блогер бўлиш мумкин?

Бугун блогерлик оммалашиб бормоқда. Тан олиш керак, ижтимоий тармоқларда саҳифасига юз минглаб одамларни жалб қилиб келаётган блогерларнинг ёзмаларини минглаб ўқувчилар ўқишди.

Блогер ким?

Блогер исталган касб ёки ҳунар эгаси бўлиши мумкин. Бу учун муайян соҳада ўқиш, диплом олиш шарт эмас. Муҳими, ўқувчига айтар сўзини етказиб олиш — энг муҳим қоида. Журналист бўлишга ҳавасмандлар, ижодкорлар, қаламқашлар, профессионал ОАВ вакиллари, умуман, ёза олиш қобилиятига эга бўлган инсонлардан блогер чиқиши мумкин.

Ишни нимадан бошлаймиз?

Авалло, ижтимоий тармоқларда аудиторияни ахшилаб кузатиш даркор. Халқ нимаи ўқини истади, деган саволга жавоб топинг. Ўзингизнинг қўлингиздан қандай материаллар ёзиш келади? Мақола ёзиб кўрганмисиз? Танқидий, таҳлилий, ахборот, ижтимоий, бадиий йўналишлардан қай бири сизга яқин? Шу саволларга аниқ жавоб топиш лозим. Сўнгра маълум йўналиш бўйича изланишни бошлайсиз. Интернетда ўз блогингизни яратасиз. Блог яратиш кўникмаларини, бошқариш ва материаллар жойлаштириш ўрганиш учун, ўқув марказида бир неча ой курсга қатнашингиз лозим. Ёки мустақил равишда интернетдаги видеодарслар орқали ҳам ўрганиш мумкин. Блогингизга эга бўлгач, ишга бел боғлаб киришиш кифоя.

Илк таассурот муҳим

Янги блогни оммага таништириш ва илк таассурот — келгуси ишларингиз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Тўғри, аввалига блогни кузатувчилар сони унча кўп бўлмайди. Мухлисларни вақт ўтган сари йиға бошлайсиз. Муҳими, тўхтаб қолмаслик керак. Гарчи, сизда битта ўқувчи бўлса ҳам демак, фикрингиз ким учундир муҳим. Ўша ўқувчи сизни эртага ўн та дўстга тавсия этади. Шу тариқа уларнинг сони ошиб бораверади. Блогни тарғиб қилиш учун ижтимоий тармоқларда унинг ҳаволасини улашиш лозим. Мақолангизни ўқиган мухлисларнинг талаб ва истакларини инобатга олинг. Ҳеч бир ўқувчингизга эътиборсиз бўлмаг. Сиздан фаоллик ва маданият талаб қилинади. Камнамо блогларнинг умри узоққа бормади.

Мақола қандай бўлиши керак?

Бу савол кўпчиликни қизиқтиради. Биринчи ўринда сиз ёзган мақола бугунги куннинг долзарб мавзусини ёритиши лозим. Узундан-узоқ мақолаларни одамлар ўқимайди, у қисқа ва лўнда бўлишига аха-

мият беринг. Энг муҳими, имло хатолар бўлмасин! Савод билан ёзилмаган мақолалар блогнинг обрўсини туширади. Ҳаққоний бўлишга, тарафқашлик қилмасликка, воқеани аниқ ва соф ҳолатда етказишга ҳаракат қилинг. Тезкорлик ҳам давр талаби. Мақолада қуруқ фактлар эмас, мулоҳазаларнинг, фикрларнинг акс этган бўлиши керак. Уни ўқиган ўқувчи керакли маълумотларга эга бўлганига қолмай, сўз жозибасидан завқ олсин.

Режали иш керак

Блогга қанча вақт давомида мақолалар қўйиш кераклигини аниқлаб олинг. Ҳар кун, ҳафтада уч марта, ойда тўрт марта ва ҳокзо. Муҳими, режадан кечикманг, дангасалик сизни енгиллиги йўл қўймаг. Блогни сизнинг кундалигингиз дейиш мумкин. Унда ўз фикрларингизни бемалол баён этаверинг, тортиниш ва соф ҳолатда халос бўлинг. Маҳорат билан ёзиш учун, аввало, ўзингиз яхши китобдон бўлишингиз даркор. Кўпроқ китоб ўқинг, бошқа блогларни кузатинг, тортиниш ва улаш ҳиссидан халос бўлинг. Маҳорат билан ёзиш учун, аввало, ўзингиз яхши китобдон бўлишингиз даркор. Кўпроқ китоб ўқинг, бошқа блогларни кузатинг, тажриба тўплагинг, ҳаётни ўрганинг. Изланишдан тўхтаб қолмаган блогер кунни келиб, энг талабгор блогерга айланиши мумкин. Бу эса ўзингизнинг қўлингизда.

Бундан сизга нима наф?

Блогерликдан фойда топиш мумкинми? Албатта! Биринчи навбатда, сиз мақолаларингиз билан танила бошлайсиз. Бу сизга обрў ва эътибор келтиради. Агар топган обрўингизга путур етказмай ишлашда давом этсангиз, ҳурмат топасиз. Иккинчидан, ўқувчиларнинг сони кўпайса, сиз блогда реклама жойлаштириш орқали даромад топасиз. Учинчидан эса иш топишда ҳам қийналмайсиз. Блогерлар ОАВ ёки ПР ташкилотларида ишлашлари мумкин. Сиз журналист ёки пиармен бўлиб етишишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари, юртимизда блогерлар мусобақаси ўтказилиб келинади. Сиз унда блогингиз билан қатнашиб, пул мукофоти ҳам олишингиз мумкин.

Солиққа тортилади?

Сўнги вақтларда блогерлар ҳам топган даромадидан солиқ тўлаши керак, деган гап-сўзлар кўпайди. Бунга блогерларнинг ўзлари турлича фикр билдиришди. Аммо ҳозирча айнан блогерлар назарда тутган солиқ қонунлари чиққани йўқ.

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

ТАҲРИРИЯТДАН: «Ishonch» газетаси оммавий ахборот воситалари соҳасига фаол кириб келаётган блогерлик йўналишини қўлаб-қувватлаш мақсадида «Блогерлар бурчаги» рукнини ташкил этади.
Ушбу рукнда блогерларнинг ижтимоий тармоқларда даврининг долзарб муаммоларини акс эттирган ёзмалари эълон қилиб борилади. Барча блогерларни ҳамкорликка тақлиф этамиз.

Огоҳлик Қалбаки пул «савдо»си

Пул топишининг энг осон йўлини қидирган Шўҳрат Салоҳидинов (исм-шарифи ўзгартirilган) уни яшаш мумкин, деган хулосага келди. Бунинг учун изланди, керакли буюм ва жиҳозларни тўплади.

Дастлаб синов тариқасида камроқ суммада пул «чиқаришани» режалаштирди. У рангли сканер қўрилмасидан фойдаланган ҳолда 50 минг сўмлик купурадаги 11 дона банкнотани чиқарди. Қалбаки пуллари таниши Бибиғул Баҳромовга «ўтказди». Унинг қалбаки эканини билиб қолган Бибиғул бу ҳақда ҳуқуқни муҳофазга қилувчи идораларга мурожаат қилди.

Бош прокуратура ҳузурдаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси Мирзо Улуғбек тумани бўлими томонидан

қўрилган чора-тадбирлар натижасида бу жиноят тезда фош этилди. Суд ҳукми билан қаллобликка қўл урган Шўҳрат Салоҳидиновга тегишли жазо тайинланди. Қўнғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин бўлсаям чиқади, дейишади. Бугунги тезкор замонда эса бу фурсат қирқ кунга ҳам бормади. Айтмоқчи бўлганимиз шунки, ҳаромдан келган маблағ ҳеч қачон буярмайди.

Бахтиёр МҮМИНОВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги ИЖҚДнинг Мирзо Улуғбек тумани бўлими бошлиғи

Ўзбекистонда Қозоғистон йили

Тарих қатидаги нур

Қардош қозоқ халқи тарихи, маданияти, дини, урф-одат, анъаналари ва бошқа кўплаб омиллар туфайли ўзбекларга жуда яқин. Мамлакатимизда жорий йилнинг Қозоғистон йили деб эълон қилинишида ҳам улкан рамзий маъно бор. Қозоқ халқининг даҳо фарзандлари жаҳон фани, адабиёти ва маданиятига муносиб ҳисса қўшган. Ана шундай сиймолардан бири Ўлжас Сулаймоновдир.

Атоқли қозоқ шоири, зиёлиси ва жамоат арбоби Ўлжас Сулаймонов 1936 йилнинг 18 майида Олмаота шаҳрида дунёга келди. Университетнинг геология факультетини битирган (шунинг учун ҳам археологик ишлар етагида туркийларнинг энг қадимги тарихи билан қизиқиш шугулланган бўлса, ажаб эмас). Москвадаги Адабиёт институтини тамомлаган. Унинг шеърлари, публицистикаси 70-90-йилларда кенг шухрат қозongan. Дунёга машҳур қилган асарларидан бири «Аз и Я» ва «Шумернома» номли 2 қисмли китобидир. Бу асар дунёнинг кўп тилларида таржима қилинган. Бир оз кечикиб бўлса-да, ўзбек тилига ҳам ўғирилмоқда.

«Шумернома» асарига муаллиф «бир неча минг йил аввал ажойиб цивилизация яратган, илк бор ёзув, ибтидоий математик формулалар кашф этган, даслабки астрономик кузатувларни бажарган, дорихона учун илк рецептларни ёзишни бошлаб берган, йонун маданияти яралишига катта таъсир кўрсатган, энг қадимги қонунлар тўпламини ижод қилган, савдонни тизимли ташкил этган, тўфон ва Нуҳ пайгамбар ҳақидаги ривоятларни сақлаб қолган, дўзах ва жаннат тушунчаларига асос солган» (Мариан Беллицкий) жаҳоннинг энг қадимий маданий халқи бўлмиш шумерлар (улар Месопотамияда яшаган) билан ёзма тарих майдонига улардан анча кейин кириб келган туркийларнинг маданий алоқалари анча мустаҳкам бўлганини археологик ва тил матери-

алларини қиёслаш орқали далиллашга ҳаракат қилган.

Таъкидлаш ўринлики, шу вақтга қадар шумер тили дунёнинг кўплаб тил оилалари билан қиёсланган ва ханузгача ҳеч бир олим бу тилни фалончи тил ёки тил оиласи билан келиб чиқиб жиҳатидан қариндош деб эътироф этмаган. Шунинг учун Ўлжас Сулаймонов ҳам бу масалага ёндашишда археологик, диний ва бошқа ўхшашликларни излаб топиб, шу асосда шумерлар ва туркийларнинг бир-бирига яқинлигини исботлашга интиланган. Шу маънода у ўқувчидан филология, тарих, этнографияга оид муайян билимларни талаб этади.

Ўлжас оға бу асарига туркий ва шумер тиллари ўзаро қариндош, туркий тил шумер тилига нисбатан анча турғун (яъни сўзларнинг жиддий ўзгаришга учрамай сақлангани) ёки туркий тил шумер тилига кўпроқ таъсир кўрсатган, деган фикрларни айтмаган. Бироқ негадир менда айнан шундай хулосалар пайдо бўлди. Албатта, биронд илмий хулосани узил-кесил айтмасдан, уни асар мазмунидан ўқувчининг ўзи чиқариб олсин, деган усулни қўлагани муаллифнинг маҳоратидир. Буни, таъбир жоиз бўлса, адабиётнинг замонавий усули тилшуносликка киритилгани деб баҳолаш мумкин. Зотан, ҳис-туйғу мантиқдан қадимийроқдир.

Бу усул — яъни имо-ишора қилиш орқали ўқувчини уйлантириб, ниятини баён этиш туркий адабиёт, хусусан, Хожа Аҳмад Яссавий ижодида намоён бўлгани беҳис эмас. Бу фаройиб адабий ҳодиса келгусида илмий асосда чуқур тадқиқ этилиши зарур.

Энг муҳими, бу асар энг қадимий маданий ҳаётни йўлга қўйган ота-боболаримиз — шумерлар ва туркийлар ҳақида ўйлашимиз, фикрлашимиз, улар билан руҳан боғланишимиз учун ўзига хос восита ҳисобланади.

Таржимон: Бахтиёр Исабек Урдабекли

Эмганишда, йўл излашишда, Кўнғил чалқашда, барчасида, Ҳар бир нарсанинг, қимсанинг, Фитратига етгим, билгим келади.

нида қайнаб», семитлар таъйиқи остида миллоддан олдинги биринчи минг йилликда бу ерларни ташлаб кетади ҳамда сўнгги вақт-ҳақида назария мавжуд. Унга шубҳа келтириш учун эса сўзлар, сўзлар ва яна сўзлар ўлмаслигини тасдиқлайдиган факт, далиллар



ларгача шумерларнинг айрим-лексма сўзларини сақлаб келади, шундайми? Мисолларингизни яна қайтаринг. — Дингир — Худо. Туркча шакли денгир, тенгир, тенгри. — Йўқ-йўқ, мумкин эмас, шаклнинг очик-ойдин мос келишига ишонманг. — Маънонинг ҳамми? — Ҳа, маънонинг ҳам. Бу тасодифий мосликлар. Тилларда бор-йўғи бир неча ўнлаб товушларгина бўлиб, уларнинг комбинацияси анча чегараланган. Турли тилларда бир қараганда бир хил сўзлар учраши мумкин. Бироқ улар орасида ҳеч қандай боғланиш йўқ. Улар бир-бирига алоқаси бўлмаган ҳолда, ёнма-ён вужудга келган. Тушуняспизми? Турли чоғларда. Ҳафа бўлманг, бу типик хато. Ҳатто мутахассислар ҳам бундай хатога йўл қўядилар. Туркий сўзнинг шумер тилидан экан ҳам дейлик, орадан ўтган минг йилликлар уни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборган. Ҳозирги тилларнинг шумер даврида мавжуд бўлганини тахмин қилишга ҳеч қандай асос йўқ. Олимларнинг таъкидлашича, тиллар бундан икки минг йил олдин пайдо бўлган ҳамда ривожланиб, Худонинг номини — Тангри кўкни яратганки, бу сўз тасодифан шумер тилидаги сўз билан уйғун бўлиб чиққан.

— Наҳотки, насронийлик ибтидоси тиллар тарихида ҳам аҳамиятли бўлса? Турклар Исо Масиҳ таваллудидан олдин боғлиқ бўлмаган тарзда ҳам пайдо бўлиши мумкин, ахир! Шумерлар ўз Худосини Христос деб атаганларидан ҳам олимлар бу насронийлик худоси номи билан тасодифан ўхшаб қолган, деган фикрда қатъий турармиди? — Менимча, ҳа, — деди В.В. иккилини. — Майитни насроний удумлари билан қўйиб, қабр устига диний рамз — хочни ўрнатиб қўйганда ҳам тасодифий ўхшашлик ҳисобланармиди? Зотан, туркий ўрғонлар ва шумерларнинг рамзий белгилари шунчалик ўхшашки, буни мутлақо тасодифа йўйиб бўлмайди. Мосликлар ўта тизимли.

— Кўриниб турибди, сиз бу соҳанинг фидойиси бўлиб қолибсиз. Бу мени бироз безовта қилади. Туркий сўзнинг консервативлиги, нисоятда мустаҳкам сақланиши борасидаги далилларингиз ишончини учун камлик қилади. Сўз ўлимга маҳкумлиги керак. Алоҳида бир-биридан фарқланувчи мисолларингиз назарияни инкор эта олмайди. Янги фактларга аъъанавий ва хушёр ёндашувсиз, консерватизмиз сиз пардасиз романтикага айланиб қолади. Сиз ҳозир биргина факт навиқаси билан бошқа нарсаларни унутиб, унга шўнғиб кетган шoirи сиз. Фан билан жиддийроқ шугулланмоқчи бўлсангиз, ҳар нарсасга ишонқирамай, шубҳа билан қарашингиз, ичингизда ҳатто уйғунлик яққол кўришиб турган фактни ҳам шубҳа элагидан синчиқлаб ўтказадиган ўли муҳаррири тарбиялашингиз керак. Ичингиздаги оппонент сиздаги шoirликини босиб туради. Заиф, тўмтоқ фикрларни ўқиб-тушуниб, оқибатда ишониб ҳам қолапсиз. Ниҳоят, фанга

Моддий жисмларни ҳарорат, нам ва босим емиради. Ўзгаришсиз шароитда нарсалар шу босим чиримайди, нурамайди. Миср эҳромларининг бирида ҳали ҳам асл рангларини йўқотмаган гулдस्ता топилди. Минг йилликлар, аслида, бир зум эканига гувоҳ чечаклар. Метин сўзи яна нимага қиёслаш мумкин? Ўша гулдастагами ёки олтин буюмларга? Уни эшиш, букши, синдириш, эритиш, шаклини ўзгартириш мумкин, бироқ у моҳиятини сақлаб қолавереди.

Минг йилликлар уйқуда. Дашт бўйлаб юраман, эгилди қоятошлардан ажралиб тушиб қолган нодир жинслардан намуна айриб оламан. Булоқ олдида тиз чўкиб, лабинг зилол сувга етгунча қайнаб отилиб чиқаётган сувда камалак пардаси чақинини кўраман. Иш журналимига нефт чиқиб турган жойини белгилайман. Балки тасодиф? Кимдир шу ердан ўтаётиб мазутга беланган қўлни ювган бўлса-чи? Бу жойлар кимсасиз. Машиналар изи ҳам йўқ. Булоқ бўйида кун бўйи ўтирсанг ҳам сув рангини йўқотмайди. Булоқ теварағиди тошлар қора рангда эканлигини пайқайсан. Бармоқларингни тиқиб кўрасан — худди ўзи. Сув нефт қатламга артезиан кудуғи тешиқларидан юзга кўтарилди чиқмоқда...

Шумер. Яқинда қазоққа тушгандим. Шумер архивини йиллардирки уй жиҳозларининг узун тобут каби қўтилариде сақлаб келади. Эшик ланг очик, қулф суғуриб олинган. Фонарчамни ёқдим. Енган қозоннинг қоп-қора қукуни полни қолаб ётибди. Оёқ остида консерва банкчалари, вермут вноси шишалари... Кимдир майшат қилган ва қўлёмаларни ёқиб ташлаган. Қўзлари қисилган йититчалар ва уларнинг уйқусираган хонимчалари деворни ушлаб архив тобутларидан чиқиб кетишган.

Мени ҳодисанинг рамзий маъносига чулғаб олди. Ниҳоят, асар қазоқ зулматидан халос бўлиб, тиниқлаша, оташ ёруғида равшанлаша бошлади. Шу ерда — қазоқдагина «Ҳаёт булоқдай қайнаб» иборасининг маъини чақдим. Шумер учун зарба беришса, ватанга тургандек туриб бер. Ватанинга қандай жавобгар бўлсанг, шумер учун шундай масъулсан.

Омон қолган саҳифаларни йиғиб олдим. Яшиқларни эса Оврупага оид семиз жилдлар билан тўлдирдим. Энди бемалол ухлашди.

Айнан шу кеча Шумер билан шугулланган йилларимда йиғилиб қолган туйғу ва фикрларимни умумлаштириш ҳақида қатъий бир тўхтама келтирдим.

(Давоми бор).

Талаба пайтимдан ёзиб юрар, биттанларимни ёшлар газетасига олиб борардим. Галдаги сафарим газета ходимларининг тушлиғига тўри келди. Таҳририятнинг ўз одами бўлиб қолганим учун бўш стуллардан бирига бемалол ўтириб, кута бошладим. Шу пайт эшик очилиб, шаққали киши киришга изн сўради. Таҳририят ходими деб ўйлаганини тушундим, сўрашдим. Узатган дафтарини олиб, варақладим. Қалин дафтарнинг ҳилвираб қолган саҳифалари мен биринчи ўқирман эмаслигини кўрсатарди. Оралари очик, мактаб ўқувчилари каби йирик ҳарфларда ёзилган шеърлар. Турли дастхат ва сиеҳларда тузилган грамматик хатолар. Шеърят ҳақида сўхбатлаша кетдик. Кекса кишига ўргатишга ҳақим йўқлиги (мен ҳозир ҳам оқсоқоллар олдида ҳайқиқиброқ турман) учун ижобий мисоллар (сатрлар) топилганда ва топдим ҳам. Эътиборим уни жўшқинлантириб, кўз ўнгимда дадиллантириб борарди. Чамаси ярим соатлардан кейин оғиз очилишга имкон бермай, диққатимизни тортган ҳар бир сатрнинг тарихини қўларини уйратиб, бўғриқиб тушунтира бошлади.

«Мана бу шеърни 47-йилда ишдан қайтаётган чоғимда ёзганман. Биласизми атрофда тунги зимистон, «туф» деган тулугингиз ерга тулгунча музга айланади».

Сўрайди: «Қизиқ, негадир яхши шеърлар қачонки бошимни яхшилаб ювсам пайдо бўлади. Нега шунақа экан-а?»

Агар унинг асарларига умумий баҳо берилса, у киши бошимни кўп ҳам юваверман кўринади. Ҳатто бошини мутлақо ювмаган деса ҳам бўлаверди. Ҳатто бу жараён қачонлардир яна амалга ошишига умид ишонч, тўғрисики айтганда, худаям кам.

Бир кичик хатога қўзим тушди: «Темный лес шумер...» Ручкамни сиеҳга ботириб, «шумел» деб тўрилаган бўлдим. Кейинчалик ўзим хато қилганим аён бўлди. Бу сўз йиллаб уйқусиз тунаримга, юзлаб асарлар ва лугатларни ўрганишимга, севиғи онлари, уфатлардан дастурхони, янги дostonлардан маҳрум бўлишимга сабабчи бўлди.

Хатом мени йўлларга боқмасдан судрайди. Фан тушликка чиқиб кетган чоғига тасодифан келиб қолган кишилар ҳузурига итариб киргизади. Улар қаламинини бошқаради (Шумерни усиз ҳам яра-чақа босиб етибди). «Бекорга шовқин кўтаряпсан. Оқдийгина хато, маъхум чалқашлик бу». «Йўқ, бу Сибир!» оёқ тирайман мен. Чалқаш сўқмоқларга, силлиқ бетон йўлдан чанг-тўзон тупроқ йўлга мени нима судраётми?

1964 йил февраль ойи кечаларининг бири. Москва, Лаврушинский тор кўчаси 17-уй. Таниқли олим В.В. хонадонда меҳмонман. Шумер — турк тили алоқалари мени қизиқтириб қолганини билдирдим. Бир қанча мисоллар ҳам келтирдим. В.В. кенг пешонали бошини эгиб тинларди.

— Шумерлар ва турклар. Қофия кўринмайди-ку! — деди В.В. — Мен сиз билан янги шеърини китобингиз ҳақида гаплашмасиз деб ўйлабман. Шумер тили тахминан миллоддан аввалги тўртинчи мингйилликда пайдо бўлган. Шумер-Бобил силлабар ёзувининг энг сўнгги ёдгорликларининг ўзи ҳам миллоддан олдинги VI асрда яратилган. Мана шу битиклар даслабки намуналар билан қиёсланганда, минг йиллар давомида лексика қади даражада ўзгариб кетганини яққол кўрсатади. Сизнинг гапингизга қараганда илк турклар Олд Осиёнинг «Тамаддан қозо-

Бизнинг таклиф!

Бугун ҳаётимизни мобил телефонисиз тасаввур қила олмаймиз. У нафақат мўлоқот воситаси, балки кўплаб хизматлари билан бизни ўзига боғлаб бормоқда. Ана шундай «хусусият»ларидан бири ундаги кўнгилочар ўйинлардир.

Ўқувчига телефон керакми?

Бугун шундай ёшлар, ҳаттоки, болалар борки, кунбўйи телефон ўйнаб ўтиришдан зерикмайди. Айрим мактаб ўқувчиларининг сумкасида эса битта эмас, бир неча мобил телефони бор.

Ўқувчи учун мобил телефонларнинг фойдасидан кўра зарари кўпчилиги барчамиз ҳам англаб етмаймиз. Биринчидан, мобил телефонлари дарс жараёнида ўқувчининг педагогик фаолиятидан тортиб, ўқувчиларнинг диққатига ҳам таъсир кўрсатади. Биргина мисол, телефони жириқилган ўқувчининг хаёли, уни ўчириб қўйган тақдирда ҳам, дарсдан чалиғишга олиб келиши шубҳасиз.

Иккинчидан, саломатликка таъсир кўрсатади. Яқинда Россиянинг «Российский газета» нашрида рус шифокори Геннадий Онищенконинг мақоласида келтирилишича, мобил телефондан болалар организмга келадиган зарар тамаки ёки алкоголь маҳсулотларидан келадиган зарардан асло кам эмас. Ундан мунтазам фойдаланиш, хотира сўйишига, асаб тизимига бўладиган ўзгаришларга, диққат етишмаслиги ва уйқу бузилишига олиб келади. Телефондан бўладиган электромагнит нурланиш катталардан кўра болаларга кўпроқ зарар келтириб, шаклини ўзгартириш мумкин, бироқ у моҳиятини сақлаб қолавереди.

Олимнинг айтишича, ундан муккасидан кетиб фойдаланаётган болаларнинг ақлий ва ижодий қобилиятлари сезиларли ўтмаслашади. Аслида, телефонларга муккасидан кетган замондошимиз уларнинг инсониятга нечоғли катта хавф-хатар эканини англаб етишга мажбур бўладиган вақт ҳам узок эмас чамаси... Бўлмас, бу масала дунё олимлари, зиёлиларини ташвишга со-

лаётган мавзулардан бирига айланармиди? Айни вақтгача Франция, Греция, Тожикистон, Озарбайжон ва АҚШнинг бир қанча штатларида ўқувчиларнинг мактабга мобил телефони олиб киришлари тақиқланган. Швеция, Буюк Британия, Норвегия, Финляндия ва Данияда 16 ёшгача бўлган болаларга фақатгина ўта муҳим ва зарур ҳоллардагина мобил телефонлардан фойдаланишга рухсат этилар экан.

Хўш, мамлакатимизда-чи? Вазирилар Маҳкамасининг 2012 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган Низомга биноан мамлакатимиз мактабларига мобил телефони олиб кириш тақиқланмаган, фақат дарс ва машғулотлар пайтида фойдаланиш чекланган.

Бугун мактабга ўқувчига мобил телефони олиб келишмоқда. Бироқ ундан фойдаланишга келганда мавжуд қондаларга амал қилинмайпти. Бу ўз навбатида, ўқувчилар соғлиғи ва маънавий-руҳий оламига ўзининг салбий таъсирини ҳам кўрсатмоқда.

Мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда, Халқ таълими вазирлиги мактабда ўқувчиларнинг мобил телефондан фойдаланиши борасида самарали, аниқ ва таъсирчан механизмларни ишлаб чиқишини таклиф этамиз.

Зеро, белгилаган услубимиз кутилган самарани бермаётган бўлса, уни ўзгартириш керак! Акс ҳолда, бу йўлдаги муаммоларимиз уч-тўрт баробар кўпаймаслиғига ҳеч ким кафолат бермайди!

Зебо НАМАЗОВА, «ISHONCH»



Зиё улашилди

«Ботаника» санаторийсида аҳоли ва ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида «Китоб билан ҳар бир хонадонга» шиори остида китоб байрами ташкил этилди.

Тадбир доирасида дам олувчилар ўртасида «Энг фаол китобхон» кўрик-танлови ва «Шарқ зиёкори» китоблар маркази билан ҳамкорликда китоб ярмаркаси ўтказилди. «Энг фаол китобхон» танловида иштирокчиларнинг адабиётга оид билимлари синовдан ўтказилди. Шеърини айтишувлар

Эълонлар: «GROSS INSURANCE» МЧЖнинг Чилонзор филиалга тегишли GSS серия 0051386 рақамли суғурта полиси бланкиси йўқолгани сабабли Бекор қилинди.

Муассис: O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69. Хуқуқ ва халқро ҳаёт — (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аңгликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзиллимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоиси келишилик наҳади. Таҳририят ҳисобчаси: 2021 0000 0004 3052 7001. АТБ «Ipoteka bank» Яшновоб филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130.

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22. Андижон — (+998-99) 889-90-23. Бўхоро — (+998-99) 889-90-31. Жиззах — (+998-99) 889-90-34. Наманган — (+998-99) 889-98-02. Навоий — (+998-99) 889-90-28. Тошкент — (+998-99) 889-90-25. Самарқанд — (+998-99) 889-90-26. Сирдарё — (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32. Фаргона — (+998-99) 889-90-24. Хоразм — (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Т. Шернаев. Мусаҳҳиш: С. Шодиева. Саҳифаловчи: Х. Абдувалилов. ҲАЯ яқини — 01-40. Топширилди — 02-40. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма № 717. 28020 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 2 3 4 5 6